



ЎРРИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

15-21 ноябрь
2000 йил
46 (199) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

**СУДЬЯНИНГ
ҲИМОЯЧИСИ —
ҚОНУН!**

**2-
БЕТ**

**ИДЕАЛ
ДЕМОКРАТИЯДАГИ
ТАНАФФУС**

**3-
БЕТ**

**ЮРАКНИ
ҚИЗДИРАР
“ҚИСТИР—
ҚИСТИР” ПАР**

**4-
БЕТ**



ИМКОНИАТ

ЖОССОҚ БАХШИННИНГ АҚШДАГИ НАБИРАСИ



Кўшработ томонларда номи элга дoston бахшилар бахшиси, Эргаш Жуманбул-булнинг сўзқардоши Жоссок бахши: "Набираларим ҳали-замон Океанорти - Амрикода ўқийди", деб кўнглидан ўтказмаган бўлса бордир. Аммо Мустанқиллик берган чексиз имкониятлар олдида Америкада тахсил олиш хайратдан ташқари бир нарса бўлиб қолди.

Бахши бованинг набираси Улғубек Шодмонов Дўстлик туманига қарашли А.Ясавий номли мактабни аъло баҳо-ларда ўқиди.

1996 йилда "АКСЕЛС" ташкилоти ўзбек-инглиз тилида Иқтисодий университетнинг бухгалтерия ҳисоботи факультетига қабул кўриги ўтказди. Вилоятимизнинг 2000 нафар ўқувчиси иштирок этган бу танловда Улғубекнинг омади чопди — фахри 1-ўринни олди.

1998 йил "Умид" жамғармасининг "Қимматбахо қозғалар бозори" иختисоси бўйича совринини кўлга киритди. Айни пайтда эса, Америка Қўшма Штатларининг Флорида штатидаги Жаҳон иқтисодиёти университетининг 2-босқич толи-би.

А.Ясавий номли мактаб илмий бўлим мудираси Мухаббат опа Жоссоква Флоридада тахсил олаётган ўғли Улғубекка шу мазмунда мактуб йўллади:

"Осмонда юлдузларнинг сўнги милт-милти тонгни бежайди. Юзминни ювиб сахарлик тадоригини кўра бошла-дим. Нонушта адоғида отанг, Шодмон ака ҳар талғидек: "Фарзандларимиз эл қорига ярайдиган инсон бўлсин-да", — дея ният қилдилар. Ҳар доим нонушта сўнгида элга хотир-жамлик, ёшларга умр, фарзандларимиз - сизлардан ҳузур истаб юзимизга фотиҳа тортамыз. Яратгандан тинчлик-омонлик тилаб, бугун Навоий авлодлари, Темур насллари, Нодира давомчиларини юртимиз қамолотида ва жамолотида кўраётганимизга шукроналар қиламыз.

Соҳир ҳислар оғушида яна ўша Беруний бобомиз кашф этган "Сехрли дийр"да таълим олаётган эркамни, сени ўйлаб қўлимга қоғоз олдим. Энг сара сўзларимга тартиб бериб сенга йўллаяпман. Ўғлим Улғубекжон, аввало, соғлигинг яшилми? Ўқишларинг қалай? Ўртоқларинг тузук-ми?..

Мана, сен жўнатган суратинг ёзув столимда... Сендан тилагим: ўзим илк бора берган биринчи дарсини унутма!"

Муаллимнинг ўз ўлига берган илк сабоғи ОДАМИЙЛИК дарси эди...

Намоз ҚАРШИЕВ

Жизах вилояти

ЖАРАЁН

ҲАДЕМАЙ ҲУКМ ЎҚИЛАДИ

Нафақат ҳамюртларимизнинг, балки хориждаги кўплаб фуқароларнинг диққат марказида турган суд жараёни ҳал қилув палласига кирди: Давлат айб-ловчиси жазо сўради!

Шундай, Давлат айбловчиси тўплаган барча ҳужжатлардан келиб чиқиб, 12 нафар судланувчи-га жазо сўради. Шу орада "Труд" газетасида ку-тилмаган ахборот чиқиб қолди. Газета мухбири В.Бирюковнинг ёзишича, айбланувчилардан бири С. Мадаминов Ташкентда давом этаётган суд жа-раёни юзасидан фикр билдириб, башарти Ўзбеки-стон ҳукумати унинг ҳаёти хавфсизлигига кафолат берса, адвокатлари билан судда ҳозир бўлишга шай эканлиги ҳақида баёнот берган.

Ҳўш, бундай ҳолатда қандай йўл тутилади? Кўпчиликни қизиқтирган маскур саволга "Труд" мухбирининг тилга олинган мақоласида жавоб бе-рилган. Яъни, Олий Суд Раисининг ўринбосари Б.Жамоловнинг айтишича, С. Мадаминовнинг баё-ноти судга расман тақдим этилмаган, шу боис уни махсус шарҳлашнинг ҳождати ҳам йўқ. Қола-верса, бўлиб ўтаётган жараёнда ҳар бир судла-нувчига жиноят-процессуал қонунчиликнинг, Ўзбе-кистон Республикаси қўшилган Халқаро ҳуқуқ ва Декларацияларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-ларига тааллуқли барча метёбрлари қўлланиши ка-фолатланади.

Шундай қилиб, ҳадемай ҳукм ўқилади.

Халол яшамоқ учун интилом, адашмоқ, уринмоқ, янглишмоқ, ниманидир бошламоқ ва ташлаб қўймоқ, доимо курашмоқ ва йўқчиликка чидамоқ керак. Хотиржамлик руҳий пасткашлиқдир.

Л.ТОЛСТОЙ

ҲОЗИРЛИК



САФАР

ҚОРАҚАЛПОҚ УЧРАШУВЛАРИ

Кексаю ёш фуқаролар пойтахтдан ташриф буорган меҳмонлар билан дийдорлашишга доимо ташна бўлиб турадилар. Учрашувларга шовиллиб келадилар, ҳар бир сўзловчини жон қулоқлари билан тинглайдилар. Минбар-га чиқиб, фикр айтиш келаятган, савол ёғдиргани келаятган одамларни кўрганда кишининг кўзи қувнайди. Чунки ҳар қандай жамият айни шу жамият фуқароларида туғилаётган фикр-мулоҳазалар йиғиндиси шарофати ўлароқ ривож топади, юксалади. Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Беру-ний, Нукус ва Хўжайли туманларида худди шу каби байрамона кайфиятга тўла учрашувлар, сўхбатлар бўлиб ўтди. Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот кўмитаси Раиси, Ўзбеки-стон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов раҳбарли-гидаги ишчи гуруҳ аъзоларининг ташрифи муносабати билан ўтказилган тадбирларда

меҳнаткашлар, дала заҳматкашлари, ўқувчи йигит-қизлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашиб, жамиятимизда қарор топаётган қонунчилик, ҳуқуқий саводхонлик, маъна-вий-мафкуравий дунёқарашнинг шаклла-ниши мавзуларида фикр алмашдилар. Учрашув қатнашчилари ўзларининг суюкли адиблари Ўткир Ҳошимов, ёзувчи ва олим Иброҳим Гафуров, Ўзбекистон давлат матбуот кўмитаси бошқарма бошлиғи Жаббор Раззоқов, "Хурият" газетаси бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад билан бўлган учрашувдан катта таассурот олган-ликларини, бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилиши аиникса ёшлар тарбияси борасида ниҳоятда зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

МУХБИРИМИЗ

МУАММО

"КОНТРАКТ"ЧИ ТАПАБА ЎЙЛАРИ

"Контракт"нинг нима экан-лигини тушунайдиган одам қолмади ҳисоб. Бунинг маъ-носини неварасини ўқишга жўнатартириб, йўл-йўқли сув қилиб ичиб юборган кек-са отахонларгача билади. "Контракт" чиди-ю, ўқишга киролмаган абитуриентларни уятдан кутқарадиган ажойиб соҳа бўйича ўқиётган? Кон-тракт пулини чўнтагиндан тўла-ётган талабалар чимкига яра-ша етарли билим оляптими? Балки бу саволлар асосида бирор мутахассис жиҳдий тах-лилий мақола ёзди. Ҳозирча талаба сифатида мени ўйлан-тирган айрим муаммоларга эътиборингизни қаратмоқчи-ман. "Менинг контракт пу-лимни фалон ташкилот ўтқа-

зиб бераяпти", — дейди тен-дошларим. Пул ўтказишда-ги ҳужжатлаштиришлар, ки-рим-чиқимларни тасаввур қилишга, тўғриси, ақлим ет-майди. Бунинг "контракт"чи та-лабаларнинг ўзлари яхши би-лишади. Лекин масалан, жур-налистика факультетида ўқиётган талабага ун комби-натидан контракт пули ўтаёт-гани, ёки пойабзал ишлаб чи-қариш фирмаси йилга 215 ми-нинг пул ўтказиб, бўлгуси педагогни ўқитаётгани ҳеч қимга сир эмас. Пулининг бун-дай тарзда қўчиб юриши бал-ки бир томондан ихобий ҳодисадир. Ҳар қайси фир-ма, ташкилоту муассасалар фақат келажакда ўзларига ке-рак бўладиган бўлгуси мута-хассисларни ўқитиши керак, деган қатъий ҳукм чиқарса, балки минглаб ота-оналару ўқиш истагидаги ёшларга қулайлик яратиш урнига ва-лидинти мураккаблаштириб юборган бўлармиш. Ҳўш, унда бўлгуси журналист учун пул ўтказиётган ун комбина-ти шунча қимматдан сўнг нима манфаат қуреди? Журналист талаба ўқишини битирса, ун комбинатида ишламайди-ку? Шу ўринда бир тақдир бор. Талабалар шартнома пулини ўқишини битириб, маълум ишга жойлашадиган сўнг, ма-ошидан 10-15% миқдорда давлатга пул ўтказиш йўли орқали ўтқалса. Контракт асосида ўқиётган талабалар-га яратилган шарт-шароитлар

бюджет асосида ўқиётган та-лабалариники билан бир хил. Тўрт йил ўқиб, чет тилини, компьютерни зўрға ўрганиша-ди. Вақоланки, шахсий кон-тракт учун кетадиган пул бил-лан махсус пуллиқ курсларга қатнаб, олти ой-бир йилда компьютерни ҳам, чет тили-ни ҳам мукаммал ўрганиб олиши мумкин эди. Ҳўш, вақ-тдан, ҳам пулдан ютқазиб, умрини зое ўтказишнинг нима кераги бор, дегинг ке-лади баъзи талабаларга. Яна бир тақдир. Бир тен-дошим: "Мен стипендиясиз ўқийман, шунинг учун йил-ига 215 миң эмас, 145 миң тўлайман. Менга "уч" ёки "бе-ш"лик стипендия олишининг ҳеч қизик жойи йўқ. Шу са-баб астойдил тиришиб ўқийман", деди. Ҳўш, нега стипендиясиз ўқиётган тала-ба аълочи бўлишидан қатъий назар, "уч"лик стипендия миқдори чегирилган 145 миң-гичи тўлаши керак? Балки бу муаммони ҳам талаба фойда-сига ҳал қилишининг илжои бордир? Назаримда, контракт асо-сида ўқитиш билан боғлиқ бир талай муаммолар қала-шиб қолди, улар муассасалар ва мутахассислар томо-нидан жиҳдий таҳлил қилин-са, ўрганилса мақсадга муво-фик бўлур эди. Файрат МИХЛИБОВ, ЎЗМУ журналистика факультети 4-курс талабаси

МУХБИРИМИЗ

"ЧОКАРДИЗА" — ЯНГИ ҚАДАМЖО!

Июнь ойида қурилиш бошланган Имом Абу Мансур ал-Мотурудий ас-Самарқандий мақбара мажмуасининг қурилиш якунлангани арафасида. Мақбаранинг тез кунларда қад ростлашида 30 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда Бухоро ва Хоразмдан келган усталарнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. Бу ерда ҳозир сўнги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Яқин кунлар ичида бу табарруқ маскан ўз бағрига зиёратчиларни чорлай бошлайди. — Бобомизнинг қабрларини топишда археологларнинг хизмати катта бўлди. Бу жой қадимда "Чокардиза" қабристон бўлганлиги маълум бўлди. Қабристон атрофида масжид бўлиб, Мотурудий ҳазратларининг жасадлари масжиддан 7 газ жанубда қўйилган экан. Маълумотларга қараганда, "Чокардиза"да 400 дан зиёд авлиё ва аллома хоки ётганлиги маълум бўлди, — дейди биз билан сўхбатда мажмуа дирекцияси раҳбари Ахтам Холиқов. — Эндиги режаларимиздан бири Мотурудий музейини ташкил этишдир.

Беҳзод ШУКУРОВ,
жамоатчи мухбиримиз

ХАБАР

РИСОЛА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди фаоллари ва ходимлари-нинг навбатдаги маърифий машғулоти Ўзбекистон Файла-суфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан тай-ёрланган "МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОСИИ: асосий тушунчалар ва тамойиллар" рисолиси муҳокамасига бағишланди. Ўзбе-кистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялашти-риш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган машғулотда миллий ғоя ва мафкура замон-дошларимизнинг қалб қўрига, касбий сadoқат туйғусига ай-ланиб кетиши зарурлиги, шахс тарбиясида фикрий эркин-ликнинг муҳимлиги, XXI аср бўсағасида ахборот майдонида юз бераётган шиддатли ўзгаришларнинг кишилар турмуши-даги, дунёқарашининг янгиланишидаги аҳамияти хусусида сўз борди. Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқил-ган ва ҳаётга кенг татиқ этилаётган ҳаётбахш тамойиллар асосида наширга тайёрланган ушбу рисола халқимиз маъна-вий-маърифий ҳаётига салмоқли янгилик эканлиги сўзга чи-қувчилар томонидан алоҳида таъкидланди.

Шаҳноза ҒОИПОВА

САНА

УММОНДАГИ УЛКАН КЕМА

А.Хидояттов номли театрда Шукур Бурҳоновнинг 90 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди

Бир неча кун аввал турмуш ташвишлари билан спектакллар ҳам қўролмаётганимга ачинаиб, Ҳамза театри яқинига келдим-да, "Театр жамоаси сафарда" деган ёзувини кўриб афсусландим. Лекин ўзбек халқи-нинг буюк санъаткори Шукур Бурҳонов-нинг 90 йиллиги муносабати билан Аббор Хидояттов номли театрда ўтказилган хотира кечаси ҳақидаги адишани кўриб, хира тортган таъб ўрнини яхши кайфият ағлалди, хурсанд бўлдим. Душанба кун кеча яқин Аббор Хидо-яттов номли театр томошабинларга лиқ тўлди. Жой етмаганлар эса тик турганча сахнага интизорлик билан қараб туришар-ди. Залда чироқ ўнча, сахна узра куй остида жуда таниш, жанангдор овоз янгради-да, томошабинлар кўз унгида севимли санъаткорнинг катта сурати кўринди.

Назаримда, Шукур Бурҳоновнинг руҳи бутун театр бўйлаб кезиб юргандек нафаси сезилиб турарди. Ўзбек халқининг машҳур санъаткори Зикир Муҳаммаджонов Шукур Бурҳонов ҳақида хотирлаб, уни дастлаб Ҳамза театрига 1935 йили Аббор Хидояттов олиб келганлигини айтди.

Санъат жозибаси билан сөхрланган Шукур Бурҳонов умрининг ярим асрини она шу театрга бағишлаганди, то умрининг охиригача театр билан яшади. Муҳлислар Шукур Бурҳоновнинг, аиникса, "Шоҳ Эдил", "Мирзо Улғубек", "Бой ила хизмат-чи", "Қиёмат қарз" каби нафақат сахна асарларини, балки "Уйқуси тунлар", "Ватанга соғин", "Тоҳир ва Зухра", "Синча-лак", "Ер фарзанди", "Илья Муромец", "Улғубек юлдузи", "Виждон амри" каби қатор кинообозларини ҳам яхши билиша-

ЙИГИН

КЕЧИКТИРИЛДИ

Венада ОПЕС (нефть иш-лаб чиқарувчи давлатлар) йи-гини Австрияда юз берган ҳалокат сабабли расмий йи-гилишини бошқа кўнга кўчи-рди.

Нефть вазирилар ўтган ҳафта норасмий йиғилиш ўтказди ва нефть маҳсулот-ларининг ўсаётган нархлари ҳақида сўхбатлашди. ОПЕС ташкилоти томонидан нефть ишлаб чиқариш ва нархлар-ни пасайтиришга қаратилган келишувларга қарамасдан 1 баррел нефть 30 долларни ташкил этмоқда. Венадан кел-аётган хабарларга қўра, ва-зирилар нефть ишлаб чиқа-ришни кўпайтиришга кели-шолгани йўқ. Қўллаб тахлил-қилишнинг айтишича, нефть маҳсулотларига ўсаётган нар-хлар нефтдан кўп ҳажмда фойдаланиш ва нефть захи-раларининг қамайиши нати-жасида содир бўлган.

ПРЕЗИДЕНТ

АЙБАНДИ

Филиппин мамлақати тари-ҳида биринчи мартаба пре-зидентга қарши айбловлар Сенатгача бориб етди. Пре-зидент Жозеф Эстрада ноқо-нуний йиғинбозликдан ва си-гарет солиқларидан тушган 10 миллион доллардан ортиқ пулни олганлиги айбланяпти. Агар Сенатнинг ушдан икки қисми овоз берса, Эстрада президентлик лавозимидан бўшатилади. Тарихда 4 Фи-липпин президенти айблан-ган, аммо ҳеч қайсининг масаласи Сенатга ет-маганди.

ЖАЗОГА

ЭЪТИРОЗ

АҚШнинг Аризона штати-да ўлим жазосини олган икки нафар Германия фуқароси ўлдирилганлиги сабабли Гер-мания АҚШни Нидерландия-да жойлашган Жаҳон судига берди.

1982 йилда Аризона шта-тида ака-ука Лагранд 63 ёшли банк менежерини ёлқолаш-ган ва ўтган йили улар ўлим жазосига тортилган.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг ўлим жазосини йўқ қил-ган Германия Америкадан хун тўлашини ва АҚШда айблан-ган чет эл фуқароларини ўз давлат ваколатхоналарига ма-ржажат қилиш ҳуқуқини ка-фолатлашни талаб қилди.

Amnesty International ин-сон ҳуқуқлари ташкилотининг хабарига қўра, шу йилнинг июнь ойиндан бери АҚШда 87 нафар чет эл фуқароси ўлим жазосига ҳукм қилинган.

3-БЕТ

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД,
"Хурият" мухбири

ОБУНА — 2001

АГАР МЕНИ ИШГА ОПСАНГИЗ...

Тиражингизни 1000000 га етказаман!



"Хуррият" мустақил газетаси бош мухарририга АРИЗА

Хурматли бош мухаррир!

Кўп йиллардан бери "Хуррият"нинг "микроб"ини юктирганман, энди мен "бемор"ман. Беморки, сира даввоси йўқ. Касалимингиз асосий белгилари: газетангизнинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман, бирор ҳарфини ҳам қолдирмасдан ўқиб, кечаси билан ухламай чиқаман. Чунки "Хуррият"нинг ҳар бир сони юзлаб, минглаб фикр беради, бошимда турфа гошлар гужон ўйнайди, мухбир сифатида уларни қозоғга туширишга, мақолаларни ёзиб битиришга вақт етмайди. Лекин эрталабдан тетик, бардам туриб, ишга жўнаман. "Хуррият" вужудимга битмас-туганмас куч-қувват, дадиллик, журъат бағишлайди.

Касалингнинг яна бир хосияти — киши танасидаги "микроб"ларни бошқаларга ҳам юктиришга ҳаракат қилар экан. "Хуррият" кўлимга тушгандан сўнг идора, ташкилотлар, дўстларим ёнига "саёҳатим" бошланади. Энди туманда турли хил муассасалар сони 80 дан ошдикининг инобатга олсангиз, "микроб" тарқатиш юмушим гоят қийинлиги аён бўлади. Албатта, газетдаги барча мақолаларни қисқа вақтда ўқиб чиқиб бўлмайди. Қўлингиз, сўраганлар уларига обхотишиб, ўзим "Хуррият"сиз қоламан. Ана шунда беҳиштер: "Ҳой биродарлар, ахир қиммат эмас, ўларингиз обуна бўлинглар!" калимаси тилимга чиқади.

"Касалингнинг ашаддий ҳужуми ёхуд "Хуррият" берган жасорат тўғрисида бу ҳақида, осмоний гапларни ёзибсанми?" деб сира ўйламан! Аризамнинг сарлаҳасидидаги сўзларни яна бир бора такрорлайман: "Агар мени ишга олсангиз, тиражингизни 1000000 га етказаман". Бунинг ҳеч қандай жоний йўқ, фақат астойдил ҳаракат лозим.

"Хуррият"нинг Қорақалпоғистон ва Хоразм бўйича мухбири бўлганида эди, ана шу жойлардан камида 100 миң (Хоразм вилояти кичик, Қорақалпоғистонда аҳоли сийрак) обуна тўпласа, қолган 11 вилоятнинг ҳар биридан ҳам 100 миңдан тўпласа, қўшиб кўриб, тиражингиз бемалол бир миллиондан ошиб кетади.

Мен бу вазифани бажаришга олдиндан яққа (Хоразмча шева — ариқнинг қирғоғидан пастга тушиб, сув олиш учун қилинадиган зинапоқ, бу ерда олдиндан тайёргарлик, тадорик қўриш маъносидида) йиғиб қўйяман. Теша тегмаган бир усулдан бор. Танлаган одамимни ўз ҳисобимдан икки-уч, ёки олти ойга обуна қиламан. Газетани ўқиб маззақар бўлган киши кейинчалик почтага бориб обунани ўз ҳисобидан амалга оширади. Худди шундай усулда шахматчи журам, ён қўшимчи Қодир Рўзметов, туман кичик ва сув ҳўжалиги идорасидан Абдулла Мирзаев, туман прокурори Жаннуб ака Нормисбетов, "Тошкент" ширкат ҳўжалигидан Рустам Бобоқонов ва бошқалар энди газетангизнинг ашаддий мухлисига айланади.

...Юқорида айтганимдай, "Хуррият" кўлимга тегиши билан йўлга тушаман. Дастлаб, бир қадам — пахта заводи ёнидаги 303-агроқурилиш ҳўсадорлик жамияти аъзолари ишлаётган қурилишга бораман. Бу ерда мени иш бошқарувчи Оллошўкур Эгамбердиев, иш юритувчи (прораб) Қодир Рўзметов ва бир гуруҳ қурувчилар интизорлик билан кутиётган бўлишди. Шу ердаги ўчоқда очик ҳавода пиширилган "қора палов" ейилган, қўли устида "Хуррият"хонлик бошланади.

Қурувчилардан бири боласининг ёмон ўқитилётгани тўғрисида мактабни, иккинчиси томоғра масаласини, учинчиси ширкат ҳўжалиги дивидент бермаётганини шу зўр газетда ёзиб чиқариб беришимни сўрашди. Дарҳол рози бўлган, ёмон кичкина шарт билан... "Хуррият"га обуна бўлинг! Мақолангиз чиқишига мен кафили!

...Туманимиздаги Оғажий номли фермерлар бирлашмасига борсам — раиси, журам Рўзбой Бекқонов бошини ҳам қилиб, хомуш ўтирибди. Салом-алиқдан сўнг "Хуррият"да чиққан мақолаларимни кўрсатиб мақтандим, газетани олдига ташладим. Жонланди, тўртинчи бетдаги "Латифахумча"ни ўқиб, роса микириб қолди.

— Зўр газета! Неурингизни орагани? Ие, мустақил газета экан-ку! Бизнинг сувиқликдан чеккан аъзоларимизни, зарарларимизни бир кўрсатмаймизми? Бирлашмадаги 50 га яқин фермер ҳўжалиқларининг ҳар бирида 12 дан то 40-50 нафаргача аъзоси бор. Ҳар бир фермер ҳўжалиги 4 тадан обуна бўлса, шунинг ўзиёқ бирлашма бўйича 200 та дегани! Хуллас, фермерлар янги йилдан обуна бўлишга шайланиб туришибди.

...Богот тумани ҳалқ таълими бўлимининг мудир Собиржон Шарипов ҳар йили "Хуррият"га 3-4 нуска обуна бўлади. Бир нусхасини тўплаб, тахлам қилдиради, қолганларини, албатта ҳар сониди шов-шувли — "ўқийдиган" мақола чиққанлиги тўғрисида ёшуллар билан кишиларни сўраб олади.

Одамзоднинг қонида бор, раҳбар, ёшулли нима қилса, у ҳам шунга тақлид этади. Туманда 50 га яқин мактаб, коллеж, лицей мавжуд, уларнинг ҳар қайсисиди 60-70 нафардан ўқитувчи бор. Агар улар ҳам ёшулликка тақлид қилиб, "Хуррият"чи бўлсалар, янги йилдан тиражингиз кескин ошади. Қоғоз масаласида қийналиб қолмаслик учун ҳозирдан ҳаракатингизни кўраверинг! Чунки "Хуррият"нинг ҳур фикри биринчи галда устозларга ҳам керак.

...Газетамиз Урганчада бооилади, эрталаб йўлга чиқиб, ўн икки кишилик "Дамас"га ўтираман. Йўл гурунгида бирдан тақсичи гап бооилади:

— "ГАИ"чиларга раҳмат-эй, облоҳким биноси ёнидаги "Стоп!"ни олиб ташлашибди. Ҳар куни ўн марта ўтсам, ўн марта сўқиниб, гуноҳга ботардим.

— Уни "ГАИ"чилар эмас, Тошкентда чиқадиган "Хуррият" деган газета олиб ташлаттирди. Ишонмасангиз, мана, кўринг!

Иби, қани? У-ў! Яқши газетатга ўшайди. Бу Шавкат Болта деганларки ким бўлди экан? Обунаси қимматмасми? — Ман ёздим, обунаси 3096 сўм!

— Сувектин экан-ку. Почтага бориб, албатта ёзиламан. Бундай гурунглр ҳар сафар такрорланади, охири газета титилиб ҳам кетади. Демак, хулоса шуки, жонингиз ўзидан ёзилган кичкинагина мақола газетани халққа танитади, обунчаларини бекёёс қўпайтиради.

Газетангиз олдида ҳатто ўрисларнинг "Труд", "Комсомольская правда", "Аргументы и факты"си ҳам сув ичсин! Чунки у ўзимизнинг, ўзбекнинг, ўзига бекнинг мустақил газетаси, халқининг суянчиги. Шунинг учун ҳам "Хуррият" муштарийларини қўпайтириш меннинг биринчи вазифам. Биланки, ишга олмасангиз ҳам энди мен ўзимни "Хуррият"нинг бир бўлига деб биланам ва юқоридаги каби ишларимни давом эттираман. Чунки аризамнинг бошида ёганимдек, "Хуррият"нинг "микроб"ини юктирдим, энди мен "бемор"ман!

Шавкат БОЛТА, журналист

ДИПОМАТ

Наполеон ниҳоятда истеъодли саркарда бўлган. У бир вақтнинг ўзида котибларига тўрт хил ҳужжат ёки мактубни айтиб турган экан.

ҲИМОЯ

СУДЬЯНИНГ ҲИМОЯЧИСИ — ҚОНУН!

СУДЬЯ+ПРОКУРОР=?

Қишлоқда одамлар кўп сўрашади: ўзи прокурор зўрини ё суд? Утган йилнинг охирида шу савол жиддий масалга айланади. Бировлар, прокуратуранинг кўп ваколатлари, шу жумладан, қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга олиб берилармиш, суд ақтарлига прокурорлар назорат тартибиди протест ёза олмайдиган бўлармиш, прокуратурада тергов бўлмасмиш, улар адвокатлар билан тенглаштирилариш ва ҳоказо миш-мишларни тарқатишди.

Бундан ҳар қим ўзига тегишли сабоқ чиқарган бўлса ажабмас, баъзи судьялар ва прокурорлар бир-биридан ранжиб қолди, шекилли... Бироқ уларнинг сирдарёлик ҳам-касблари барчани лол қолдириб, ўзлари иштирок этган жиноят ишлари мазмуну бўйича биргаликда суд очеркчлари ёзмақдаларки, уларни ўқиб, ақиллигига тан бермай илоҳингиз йўқ.

Сирдарё вилоят прокуратураси нашри хисобланган "Адолат кўзуси" газетаси 2000 йил 7-13 июль сонининг биргина 3-бетиди бунга икки мисол бор. Биринчи жуфтлик, яъни прокурор Сайдазим Ҳўжаназаров ва судья Жалғаш Йўлдошев "Судья қамоққа олинди" номли очеркани қўйилмақом қилиб ёзсалар, иккинчи жуфтлик судья Мишариф Мелиев ва прокурор Бахтиёр Саъдуллаевларнинг "Алдамқочи эди, ўзи алданди"си уларниқидан қўлишмайди.

Аслида судья прокурор ва адвокат бир хил муносабатда бўлиши, улардан бири билан алоҳида суҳбатлашмаслиги, суд муҳокамаси пайти имо-ишора қилмаслиги, бирор-бир тараф вақилига йўналтирувчи савол бермаслиги, жавобларни маъқуловчи ишоралар қилмаслиги, иштирокчилардан бирига қилиб муомала қилмаслиги, улардан бирини мақтамаслиги каби суд этикаси нормаларини билган судья қалам ҳақи эвазига турмушини яхшиламоқчи бўлиб очерка ёзди-микин?

Процессуал қонунларда жиноят иши юзасидан тортишув суд залида, мазмунини ҳал этиш масаласи эса — маслаҳатхонада амалга оширилиши белгиланган.

Судья билан прокурорнинг ўзлари кўриб чиққан иш юзасидан биргаликда очерка ёзиши Сирдарёдан бошқа вилоятда деярли учрамайдиغان ҳодиса.

Келинг, биринчи очерка ҳақида фикр юритайлик.

"ТИПАК" ТАГИДА НИМА БОР?

"Судья қамоққа олинди" очеркисиди Фани Анварович Холдоров поракўр судья сифатиди тасвирланган, муаллифлар поракўрликдан қаттиқ жирканишини баён қилишиб, Ҳ.Холдоровнинг пора олишига "ишқилиб, пора олишининг охиригиси бўлсин" дея тилак билди, очерка нуқта қўядилар.

Воқеанинг қисқача тафсилоти қуйидигича: ёши олтимиш саккизинчи қоралган галлароллик Бўтабой Файзиёвни ўғиллари иш-эски ақани ташвишга солади. Шу сабабли ҳам у киши ота касби бўлган деҳқончиликни болаларига ўргатмоқчи бўлди ва уйига яқин Д.Йўлдошев номли ҳўжалиқдан 50 гектар лалмикор ерни, 27 тонна галла етказиб бериш шарти билан шартнома асосида ижарага олди. Мўйсифид бу ишини пайсалга солмай битириш учун кўёни — Галларол туман судьяси Ҳ.Холдоровга мурожаат қилди. Ҳ.Холдоров: "Қари одамни сарсон қилмай ҳўжжатлаштиришга ёрдам беринглр, илтимос", дея Д.Йўлдошев ҳўжалиги раҳбарлига мурожаат қилди.

Б.Файзиёв бу шартномани Ҳ.Холдоровга айтмасдан ҳам тузиши мумкин эди. Боси-ки, ҳўжалик вақиллари: бизда бир неча миң гектар лалми ер фойдаланилмай ётибди, қаерда яшаш ва ишлашдан қатъий назар, деҳқончилик қилишни хоҳлаган Ўзбекистон фуқаросига ижарага ер беришимиз мумкин, шарти: ўз ҳисобидан харажат қилиб галла экади, биз белгиланган режани ер ижараси тариқасида ҳўжаликка тўлайди, ҳосилнинг қолган қисми ўзиди қолади, деб судга ту-шунтириш берди.

Ижарага олган 50 гектар ерни ҳайдатиб, бугдой экишга тайёрлаб қўйган Б.Файзиёвга энди уруғлик дон, яъни ҳар бир гектар ерга 100 кг дан жами 5 тонна уруғлик бугдой керак эди. Қайнота уруғлик бугдой олиш масаласида яна қози кўёнига мурожаат қилди.

Тўғри-да, бозорда ё бошқа жойда уруғлик бугдой сотилмаси, туманда экиладиган ерларга бугдой фақат бир жойдан, Галларол дон тайёрлаш корхонасидан бериладиган бўлса, бу ишга судья кўёнини аралаштирмаси, у кишига қарзга биров бугдой бе-

рармиди?

Ҳ.Холдоровнинг аралашуви натижасида Б.Файзиёвга элеватордан 5 тонна уруғлик бугдой 1999 йил 16 ноябрь куни тузилиб, тегишли рўйхатдан ўтказилган шартнома асосида, 2000 йил ҳосилидан 20 тонна қилиб қайтариш шарти билан бериладиган бўлди.

Омбордан Б.Файзиёвга юк хати асосида 5 тонна уруғлик бугдойни бериш учун шартнома ва директор ёзиб берган "хатча"дан ташқари "бугдой берилсин" деган буйруқ ҳам шарт эди. Фейзиёвда бироз шовша-шошарлик бўлган Б.Файзиёв 17 ноябрь куни қўлига буйруқ олмасдан ўлиш Нормурод билан омборга бугдой олиш учун КАМАЭда борган.

Буйруқ йўқлиги боси, директорнинг "хатча"сини кўрган тарозибон омбордан "Умид" фермер ҳўжалигига чиқим қилинган, бироқ дориланмагани боси фермер С.Жоникўлов олишни истамаётган бугдойни, унинг розилиги билан Бўтабой бобога беради. Бўтабой бобо эртасига 5 тонна уруғликка буйруқ олиб келгач, шу асосда Б.Файзиёвга чиқим қилинган бугдой дориланиб фермерга берилишига келишляди. Бу масъулятни тарозибон ўз зиммасига олиб, ҳатто юк хати орқасига "5 тонна уруғлик қарзман" деб ёзиб ҳам беради.

1999 йил 17 ноябрь куни милиция ҳодимлари Б.Файзиёвнинг ҳовлисида 5 тонна уруғлик бугдой тушириляётганидан хабар топади.

Орган ҳодимларини кўриб, қапалаги учган хонадон соҳиб, зора, ортиқча бош қотиришмаси, деган хаёлда "Бугдой кимники?" саволига "Қози буваники!" дея жавоб беради.

Шу бир оғиз гап ҳожаббарор "қози-куёв"нинг қамоққа тушишига сабаб бўлади.

ЭНДИ БУЁГНИ ЭШИТИНГ!

Воқеанинг бугёи бамисоли бир жойда депсиниб-депиниб тура-тура тўсатдан шалқоқ отиб чопган тойчоққа ўхшаб кетади. Яъни, Б.Файзиёв хонадонидан "бугдой толган" орган ҳодимлари орадан бир кўн эмас, ўн кўн эмас, нақ 32 кўн ўтган, 5 тонна уруғлик бугдой "судья Ҳ.Холдоровнинг берилган пора" дея овозга чиқара бошладилар...

Бунга асос ҳам топишганидн гўё... Гап шундаки, судья Ҳ.Холдоров айна ўша кунлари И.Тожибоев ва бошқалар, жами 6 кишига оид жиноят ишини кўриб, дастлабик терговда талай камчиликларга йўл қўйилгани боси ишни қўшимча терговга қайтарганди.

Судланувчи — И.Тожибоев ўша машўм бугдой уруғлиги берилган қорхона — "Галларол дон тайёрлаш корхонаси" директорининг уқаси. Демак, айна шу ҳолат билан Ҳ.Холдоровга пора элзисодини ёлштириш мумкин: судья ишни қўшимча терговга қайтарishi эвазига 5 тонна бугдой олган, та-мом-вассалом!

Аслида 5 тонна бугдой 17 ноябрь куни ИИБга олиб кетилгани, жиноят иши бўйича суд ажримси эса 20 ноябрь куни чиқарилганнинг ўзи айбловнинг тўғрилигига шўбҳа ўйотадди.

"Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун, — дейляди ЖПКнинг 22-моддасида, — фақат ушбу кодексда назарда тутилган тартибди топишган, текширилган ва баҳоланган маъ-лумотлардан фойдаланиш мумкин". Яна бир нарсига эътиборингизни қаратаман, Ҳ.Холдоров айбланаётгани боси, қонун менга, яъни адвокати унинг айбсизлигини исботлаш вазифасини юкламайди. Мен ҳимоячи сифатида айбномда, ҳўқмада, судьянинг очеркисиди тасвирланган воқеани тиклашга асос қилиб олинган далилларнинг қанчалик даражада қонунийлигини асосла-сам, деб. Демокчиликни, агар жиноят ҳодисаси деб тасвирланаётган ҳодисани тиклашга хизмат қилаётган далиллар қонунга мос йил-гиб бўлса, тасвирланган ҳодиса — ҳақиқат, аксинча, далиллар қонуний бўлмаси, тас-вирланган ҳодиса — бўҳтон, учинчи йўл йўқ, яъни далиллар ноқонуний бўлса ҳам воқеа тўғри, деб баҳоланмайди.

ТўРТ ДАЛИЛГА ТўРТ ДАСТАК

Бизни қизиқтираётган далиллар қандай тўлланган?

1. Маълумки, умумий тарзда дастлабик терговнинг қонунийлигини баҳолашда, жиноят ишининг дастлабик тергов босқичида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан прокурорнинг назорат олиб борганлиги энг асосий шарт ҳисобланади.

Бизнинг мисолда, қонунда фақат тергов-ни назорат қиладиган прокурор амалга оши-риши лозим бўлган ваколатларнинг ҳамма-сини тергов гуруҳи бошлиги А.Шамсиқўлов амалга оширган.

Бунинг нимаси ёмон? ЖПКнинг 37-моддасида тергов гуруҳи бошлигининг ваколатлари берилган бўлиб, бу эса терговни ташкиллаштириш ва олиб бориш билан боғлиқ ваколатлардир.

Прокурор назорати эса тергов гуруҳи, шу жумладан, унинг бошлигининг қонунга амал қилиши юзасидан назоратни аниқлатади. Тергов гуруҳининг вазифаси бошқа, прокурор назоратининг вазифаси бутунлай бошқа.

Тўғри, қонунларимизда прокурорнинг тергов ҳаракати олиб бориши, қолаверса, тергов гуруҳига раҳбарлик қилиши мумкинли-ги назарда тутилган. Бундай вазиятда бо-шқа прокурор тергов гуруҳини бошқарган прокурорнинг фаолияти юзасидан назорат олиб боради.

Судда, дастлабик терговнинг қонунийли-ги муҳокама этиляётганда, айна шу масала-га суд эътиборини қаратим. Суд эса тер-гов ҳаракатлари ва прокурор назоратини бир киши амалга оширган ҳолатига юридик баҳо бермади.

2. Дастлабик тергов ва суд жараёнида Ҳ.Холдоровнинг ҳимоя ҳўқуқи қўпол бузил-ган.

Кўчқилиш ўйлаши мумкин, судланаётган-нинг ўзи судья бўлса, ўзини ўзи ҳамон қил-майди деб. Йўқ, ҳимоя қила олмайди. Сабаби, айбланаётган одамнинг руҳияти, аҳоли бошқача бўлади. Қора қурисидаги одамнинг бошқаларга тик қарай олганини, асло, прокурор ва судьянинг очеркисиди ай-тиганидек, унинг жиноятчи эканлигини бил-дирмайди.

Ҳ.Холдоров И.Тожибоев ва бошқаларнинг жиноят ишини кўриб, қўшимча терговга қай-тарганини юқориди эслатдик. Исомиддин Тожибоевнинг акиси Эркин Тожибоев ва ад-вокат Яхшўлу Мусурмоновга ўзаро шартно-ма тузганлар. Бу битим асосида адвокат Я.Мусурмонов И.Тожибоевни терговда ва судда ҳимоя қилган ва шу иш юзасидан Э.Тожибоевга ҳам маслаҳат бериб турган, бу ҳолат ҳозиргача давом этмоқда.

Э.Тожибоевнинг аризаси асосида судья Ҳ.Холдоров "Исомиддин Тожибоевга ёр-дам берганлиги учун Э.Тожибоевдан пора олган" деган айб қўйляётганда, Ҳ.Холдо-ров бу айби рад этаётганда, яна айнан шу адвокат Я.Мусурмонов Ҳ.Холдоровнинг ҳўқуқини дастлабик тергов ва судда ҳимоя қилган.

Менинг шахсий фикримча, бундай вази-ятда Ҳ.Холдоровнинг ҳимоя ҳўқуқи бузил-ган, негаки, ҳимоячининг иш бўйича ма-нафаатлари бир-бирига зид бўлган "Пора бер-дим" деган жабрланувчи томон Тожибоев-лар билан "Пора талаб қилмадим, пора ол-мадим" деб айтганга айбланувчи Ҳ.Холдо-ровни бир адвокат ҳимоя қилиши қонуний эмас.

3. Жиноят ишиди, айблов хулосасида Ҳ.Холдоровни айбловчи далил тариқасида келтирилган далилларнинг барчаси қонун доирасида тўлланганига ҳам шўбҳам бор.

Бошқа шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича, Ҳ.Холдоров судья бўлиб ишлаб, оид судловни амалга ошираётган пайтда, унга нисбатан жиноят иши қўзғат-тилмасдан олдин, "судья пора олган" деб айб қўйишга асос қилиб олинган далиллар-ни тўплаш жараёни нихоҳисига етказилган.

ЖПКнинг 329-моддасида шахса жиноят иши қўзғатилгунга қадар уни айбловчи гу-воҳлик қўзғатилганга тўплаш мумкин эмас-лиги кўрсатилган.

Бу эса Ҳ.Холдоровга нисбатан тўлланган далилларнинг қонунга зидлигини билдира-ди.

Шунингдек, ишлаётган судьяга нисбатан айбловчи далилларни шу туман прокурори ва терговчиси тўлланган, бу қонуний эмас. Гап шундаки, Галларол туман прокурату-раси терговчиси Қ.Маллаев тергов қилган, прокурори С.Шерназаров тасдиқлаган И.То-жибоев ва бошқалар жиноят ишини Ҳ.Хол-доров раислигидаги суд мазмунан кўриб чи-қиб, 20 ноябрь куни қўшимча терговга қай-тарган.

Судланувчи Ҳ.Холдоровнинг судга тушун-тиришуви, ўзига туман прокурори С.Шер-назаров ушбу "хом" тергов қилинган жино-ят иши бўйича айблов ҳўқуқи чиқаришни, айб даражаси юқори бўлган шахса шартли жазо, бошқаларга эса озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлашни норасмий ил-тимос қилган ва шу фикрини айблов нутқи-да ҳам баён қилган. Бироқ, Ҳ.Холдоров ҳам, маслаҳатчилар ҳам айблов ҳўқуқи чиқариш-дан олдин баъзи саволларга тергов йўли билан аниқлик киритилиши лозим деб, ишни қўшимча терговга қайтарган. Бундан норози бўлиб, прокурор С.Шерназаров хусусий протест ёзган.

Шундай вазиятда, судья Ҳ.Холдоров ушбу жи-ноят ишини қўшимча терговга қайтаргани ҳамда И.Тожибоевга ёрдам бергани учун акиси Эркин Тожибоевдан 5 тонна бугдойни пора тариқаси-да олган деб айб қўйишга асос қилиб олинган далиллар терговчи Қ.Маллаев ва прокурор С.Шерназаров томонидан тўпланган бўлса, бу ҳолат қонунийми? Шундай вазиятда терговчи Қ.Маллаев ва прокурор С.Шерназаров Ҳ.Холдоровга нисбатан ҳолис ва бегарамми?

ЖПКнинг 76-моддаси ва бу моддага олинма-римиз ёзган шарҳда айбланаётган шахсага нис-батан ҳолис ва бегараз бўлган шахслр дали-ли тўплашга ҳақи эмаслиги, тўпланган тақдир-да ҳам юридик қучга эга эмаслиги баён этилган.

Ажабланарлики шуки, Ҳ.Холдоровга нисбатан жиноят иши 1999 йил 21 декабрда қўзғатилган-дан кейин ҳам терговчи Қ.Маллаев янги тузил-ган тергов гуруҳи таркибиди фаолият олиб бор-ган. Бу ҳолатнинг ўзи бутун тергов гуруҳининг фаолиятини қонундан ташқари қилиб қўяди.

Суд эса муҳокама этилган бу вазиятга ҳам юридик баҳо бермади...

4. Судда прокурор билан судья бир ёқадан бош чиқарса, қонун талабининг тескарисини ба-жарса ҳам бўлар экан...

68 ёшли мўйсифид, содда, ҳеч қаерда ўқима-ган, деҳқончилик ва чорвачиликка суяги қотган Бўтабой бобо биринчи сўраганларда "шундай десам бугдойимни олиб кетмайди" деб ўйлаб, "бугдой судьяники" деб айтган. Билвосита гу-воҳлар шуни тасдиқладилар. Шу гапининг нотў-ғри айтиганини айтиб мўйсифид Б.Файзиёв судда йилгадди...

Э.Тожибоевнинг "пора бердим" мазмуниндаги аризаси Бўтабой бобонинг шу қўзғатилганга мос-лаб ёзилган, суний ҳолда яритилган далил-дир. Ҳ.Холдоровнинг рақиблари Э.Тожибоевни истаган қўйга солиши тайин эди, негаки, улар қўлида унга нисбатан "отининг қалласидан ҳам катта" жиноят иши бор эди. Ҳ.Холдоровга ҳўқм қилгунга қадар Э.Тожибоев атайлаб очикда қол-дирилган эди. Ҳ.Холдоровга қарши қўзғамас оли-ниб, айблов ҳўқми қилчқач, Э.Тожибоев ҳам қамоққа олинди.

Судда судланувчининг яқин қариндоши Б.Файзиёв қонун талабига зид ҳолда ёлгон гу-воҳлик бериш ёки гувоҳлик беришдан ҳам тор-тиш жиноий жавобгарлиқни келтириб чиқариши ҳақида оғохлантирилди. Суд қонунларимизнинг инсонпарварлик моҳиятини бузиб, Б.Файзиёв-нинг розилигисиз, унинг дастлабик терговда 2 суҳбатдан ортиқ вақт ноқонуний ушлаб турилиб, кечаси видеотасмага ёздирилган қўзғамасини очик судда қўйиб эшиттириб, яқин қариндош-лар ўртасига низо соломқоч бўлди.

"Ғани Холдоров уқамни очикча чиқарши учун 5 тонна бугдой пора олди" деган мазмундаги аризани ҳақиқатан ҳам Э.Тожибоев 23 ноябрь куни прокурор С.Шерназаров номига ёзгани рост бўлса, нега прокурор С.Шерназаров бу ҳақда ўқори турувчи прокурорга 25 кўн давомида ай-тмай юрган?... Ахир, бу ариза ўта оғир жиноят ҳақидаги ариза

ДУСТИЛИК

ОҚИБАТ

Йўлдош Сулаймоннинг қачон чучкиришини Охунжон Ҳақимовдан сўранг

Меҳр-муҳаббатини одамларга улашиб, миллионларнинг эҳтиромини қозонган икки қиёматли дўст — Йўлдош Сулаймон ҳамда Охунжон Ҳақимов ҳақида қанча гапирилса, шунча озади туюлади. Бошқа адиблар сингари улар ҳам илк қадамларини журналистикадан бошладилар. Биргаликда олиб борилган ижод самараси уларнинг нафақат қаламкаш бўлиб тобланишида, балки бир умрлик дўст бўлиб қолишига ҳам сабаб бўлди. Бу дўстлики Мақсуд Шайхзада ҳамда Фафур Фуломнинг дўстлигига қўسلанган келадди. "Дўстлиги агар қўшилса дўст-ёр, Орзу оғочи бўлур ҳосилдор..."

Муносабати билан ёзган мақоламда: "Охунжон сал шамолласа, Йўлдошга чучкиради", деган эдим. Ушанда бу ибора кимгадир ёқиб, кимгадир эриш туюлган эди. Лекин бу икки адибнинг дўстлиги чин маънода барчани ҳайратлантиради, қувонтиради. Уларнинг чиройли дастхатлар ёзиб, совға қилган биринчи китобларини авайлаб сақлаб келаман. Ушбу китобни ҳар гал кўрганимда севикли адибларнинг ёзувчилик йўлидаги илк қадамларини эслайман, китобларини мароқ билан ўқирганимдан, ёшлимнинг нури кунлари, фараҳбахш воқеалар кўз олдимдан бир-бир ўтаверади.

Воғиз МУЗАФФАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

GEF

ОТНИ ОҚИЗГАН ДАРЁ

Жуда қадим мезгилдан бизгача етиб келган ажиб бир ривоят бор. Эмишчи, бир мамлакатнинг подшоиси суоқли оқ отини ёр кўкка ишонмас, уни кўз қорачиғидай асарар экан. Кунлардан бир кун подшо ўша оқ отини миниб, шокорга чиқибди. Тошқин дарёдан кечиб ўтаётган пайтда, от ногаҳон фарқ бўлиб кетибди. Подшо зўрға жон сақлаб,

тасодиф туфайли қирғоққа чиқибди. Энг азиз отидан ажраган подшо саркаш дарё қасдига бутун бир мамлакатнинг фуқаросини тик оёққа қалқитиб, аждар қомидай ҳайбатли ўнта канал қазадирибди. Туполон дарё сувини шу каналларга оқизиб, оқ отини ютган дарёни заиф қилиб қўйибди. Ана шундан кейин подшо сал ҳовуридан тушибди.

Бироқ... Орадан ўн йил ўтибди, юз йил ўтибди. Подшо қазадирган барча каналлар бора-бора қумга тўлиб, дарё ана ўз ўзидан тўлқин отиб оқаверибди. Алқисса, оққан дарё оқмай қолмас, деган нақл шу тариқа мезгилдан хотира бўлиб қолган экан.

Аҳад ҲАСАН

ЖАВОҲИР

Жолинус ҳақим йўлда кетар эди. Рўпарасидан бир келишган йигит чиқди. Ҳақим унга савол билан юзланди. У эса юзини буриштириб, кўполлик билан жавоб қайтарди. Шунда ҳақим деди: "Идиш тиллодан бўлса ҳам, ичида сиркаси бор экан".

ИБРАТНОМА

Ерга осмондан ёғиру қор, нур, бароқа ёғилади, ердан эса осмонга чангу тўзон, губор кўтарилди. Байт: Гар менинг феълнинг бўлса носазовор, Сен яхши феълнингни йўқотма зинҳор.

Кимки ёмон билан ўтирса, ёмон одам унинг табиғатига таъсир қилмаса ҳам, тариқатида зарар келтиради. Оғир кунда Аллоҳдан нажот сўраш ўрнига, май билан ўзини овутиради.

Баҳриддин ТУРГУНОВ тайёрлади.

МУНОСАБАТ

"ЧАПАСАВОД" КОМПЬЮТЕР

"Бўгин кўчиришни билмайсизми?" ("Хуррият", 2000 йил, 45-сон) мақоласи муаллифи, 77 ёшли Жўракул бобо Тўрақулловга

Отаҳон, мен, аввало, сизнинг шу ёшда газета ўқиб, уни таҳлил қилиш маҳоратингизга қойил қолдим. Бу ишнинг бизга ўрناк, сабоқ бўлади, албатта. Аммо бўгин кўчириш фақат бизга эмас, балки компьютер аталмиш қайсар техникка ҳам боғлиқ. Чунки бизнинг материалларимизни ёзиб, сизнинг қўлинигизга боргунча бўлган жараянинг асосий бажарувчиси ана ўша "гап уқмас" дир. Унга ўргатиб ҳам, ўқитиб ҳам бўлмайди. Гарчи у тезкор ишласа-да, чаласавод бир темир мотож, холос. Уни калтақлаб бўлмасан, жазолаб бўлмасан! Лекин биз Сиздан, ва, умуман, барча зўкко газет-хонларимиздан уэр сўраган ҳолда бундай хатоликларни тўғри-лашга ваъда берамиз. Келажакда эса хатосиз ёздадиган, бўгинни тўғри кўчирадиган "ақл"и пешланган компьютерлардан фойдаланамиз деган умидимиз бор.

ИККИ ҚУЁНГА БИТТА ЎҚ

Телевидение ва жуда кўп оммавий ахборот воситалари ҳамда кўча-кўйдаги сиргетга рекламасига кўзимиз тушаркан, унинг кўринмас бир бурчагида "Соғлиқни сақлаш вазирлиги оғохлантиради: Чеки соғлиқ учун ҳаволи" деган ёзувга кўзимиз тушади. Қизиқ, агар сиргетга соғлиқ дучун, умуман, инсон ҳаёти учун зарарли бўлса, уни реклама қилишнинг нима зарурати бор? Бир маҳсулотни ҳам реклама қилиб, ҳам инкор қилиш қулғили ҳол эмасми?

Муқаррам ЖАЛИЛОВА, ЎЗМУ журналистика факультети 1-курс толибаси

ПОЙНТАР

АЛЖОЙИ УЙЛАР

- * "ХОН" шубҳасиз бизникидир! Бунга Британия ҳам, Америка ҳам ҳеч иккиланмай рози бўлди.
* Икки томон урушди. Икки томон ҳам енгилди. Галаба — ҳақамники.
* Сергапларни бир четда эшитиб, сир тўплаган индамаслар енгади.
* Хар сўзидаги "х" думсиз ёзилса, хар (эшак) бўлади. Агар эшак ҳам думсиз бўлса-чи?..
* Одамлар ростгўйлардан гумонсирайдиган бўлиб қолди...

Қайсар АЛИ



А.ҲАКИМОВ чизган

Яқин Шарқ можаролари туфайли етти ҳафта мобайнида 200 атрофида киши дунё билан видолашди

РАҚАМ

ИДДАО

ЮРАКНИ ҚИЗДИРАР "ҚИСТИР-ҚИСТИР" ЛАР

Ёхуд улардан ким манфаатдор: меҳмонни, мезбонни ёки отарчи?

Мақоланинг муқаддимасида айтиб қўя қолай. Мен кўтарайтган муаммо, оддий отарчини у ёққа кўйилик, менман деган санъаткорга ҳам ёқмайди. Нафақат ёқмайди, имкон қилса индамас мўлтига мени "тинчитиб" қўйгудай бўлиши аниқ. Буни ҳис этиб турибман. Лекин начора, наинки менинг, бутун элнинг тили учуда турган бу муаммони, муаммонига эмас, иллатли қандай йўл билан даволаш чораларини кўплашиб изламасақ, у маънавийтимиз ойнасини хира тортириб, янги авлодимиз тарбиясига жуда катта салбий таъсир ўтказиши турган гап.

Зўкко муштарий гап нима ҳақида бораётганини фаҳмлаб олди. Ҳа, гап ўша ўзингиз билган, турли-туман тўйлардаги, ҳатто кейинги пайтларда тadbирларда ҳам авж олаётган "қистир-қистир"лар ҳақида борапти. Одамларнинг ажиб одатлари бор-да. Рўзорчилик, баъзан битта нонга пул тополмай бошиниз қотган кунлар бўлади-ю, тўй-маросимларда "қистир-қистир"га қолганда пулни хазонадай сочамиз.

Қазо-сазолардан бирининг тўйидамиз. Давра ҳам тўй эгаларининг номига яраша: кўз илгамас, ўтирганлар ҳам киборлардан. Албатта, хурсандчиликда куй-қўйиғу йўйин-қулғу ярашади. Бази жамшид авжа чиққандан-чиқипти. Созанда-ю хонандлар терлаб-пишиб кетишсам даврани бўшатишяпти. Улар анойилардан эмас. Даврага икки озиз тилак айтиш учун нақд бообўр одамларни тақлиф этишади. Кейин "Жуда яхши истакларни билдирдингиз, энди давра сизга мунтазир" дея у кишини рақсага чорлайдилар. Шундай пайтда кўл кўтариб қўйилмас хурматсизликдай туюлади. Хали боғи одам кўл кўтариб улгурмасам чор тарафдан тўйлик келавериди-келаверида. Шундай турган ҳолда созада тутган доирани тўйдириб пул ташлайди, юзталик, икки

юзталиклар. Ахир у одамга элликтилик қистирши... Йўқ, бунинг иложи йўқ. Давра шу зайда давом этаверади, доира тўла пул тўқилаверади, уни саранжомлаётганларнинг қўли-қўлига тегмайди. Иккинчи бир тўйда-миз. Бу умр бўйи деҳқончилик билан ўтган меҳнатқаш бир инсоннинг юбилей тўйи. Фарзандлари жуда чиройли давра уюштиришибди. Бир инсон меҳнатининг қадри бўлса, шунчалик бўлади-ю. Ҳамма иш рисоладагидек. Тўйга туман, қўшни туман катталарига тақлиф этилибди, келишибди. Хонанднинг инсон, меҳнатни улуғловчи қўшиғи дилларга гуруру сурур бағишлайди. Яна табриқлар, табриқлардан кейин рақслар. Қани энди чиройли табриқдан кейин, ўша сўзловчининг рақсдаги маҳоратини ҳам томоша қила олсанг. Йўқ, бунинг иложи йўқ. Табриқловчи кўл кўтарди дегунча, атрофини яна пул қистирувчилар ўраб олишади. "Дўстим, мана бу элликтиликларни юзталик қилиб беринг, бугун элликтилик ярашмайдиганлар рақсага тушишяпти", дейди даврада ўтирган одам шеригига. У бўлса: "Созан-барламалаб бораётган бу одатнинг бирор бир тарбиявий томони борми ўзи?!"

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу одат ҳам моддий, ҳам маънавий томондан зарарининг ўзгинасидир. Узингиз ўйлаб кўринг, ўртамеъна, ҳатто базур кун кечираётган одамлар ҳам эл қилганидан қолмаслик учун бу одатдан чиқиб кета олмайдилар.



Узугига олақ бўладиган маблаг "қистир-қистир"га кетади. Қистир-қистирнинг иложи йўқ. Уртада ўйнаётган одамнинг тўйига, унинг учун келган-ку, ахир. Қўли узунларникида-ку, пул гарамлаб тўқилади. Очiq айтиш керак, ҳамма ҳам орият кучи, даврадаги ҳамнинг ё кариндошчилиги

ёки дўсту ёронлик, ёки амали хурматидан пул олиб чиқади. Яна тақдор айтаман, пул қистираётган одам азбаройи юрагидан чиқариб эмас, балки ОРИЯТ учун пул қистиради. Тўйга 200 ёки 500 сўм тўёна қилиб келган айрим одамлар "қистир-қистир"га минг, икки минг, баъзан ундан ҳам ортиқ сарфлаб қўйганини, айниқса, қарбчиликда ўзи ҳам билмай қолади. Демак, шу ярамас одат билан нафақат тўй эгаси, балки меҳмонларнинг ҳам оилавий бюджетига путур

ётади. Чўнтагида пули йўқ одам эса хижолатчиликдан тўйхонани тарқ этиб қўя қолади. Энди бу одатнинг маънавий зарари ҳақида тўхталайлик. Пул ўзи оти билан бойлигимиз. Айрим нопок инсонларни ҳисобга олмаганда, уни топиш осон иш эмас. Биров кетмонлаб, биров игналаб, биров ҳам кучи, ҳам ақлини сарфлаб, меҳнату машаққат билан топади уни. Енингизда пулингиз бўлмаса, битта нон сотиб ололмайсиз-ку. Демак, пул нондек азиз нарса. Уни тўй-маросимларда хазондай сочиб, оёқости қилиш ноқўллик эмасми?! Яна пул муштарий давлатимиз раъзи, миллий гурури-миз эҳлагинини унуттишга

ҳақимиз борми?! Тўй — юртники. Тўйхонада хар турли одамлар бор. Кимлардир бир айланмай созанининг доираси тўлиб тўқилаётган пулнинг юздан бирига зордир. Шу тоғда унинг кўнглидан нималар кечаркин? Бу ахвол одамнинг маънавиятига қандай таъсир этишини ҳеч ўйлаб қўрганмисиз? Яна бир ачинарли томони борки, бу ҳолат эндигина улғайиб келаятган болаларимизнинг покиза тўйгуларига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Ахир тўйхоналарда болаларимиз одамларнинг оёқлари остидан пул териб юрганларнинг қўл гувоҳи бўлганми? Бу гўёт мусулмончиллигимизга, биз эътиқод қўйган ислом одатларига эди эҳлагинини биламиз, лекин амал қилмайми. Бундай исрофгарчиликнинг бу дунёда бўлмаса, у дунёда жавобини бериш ҳам бор-дир, ахир!

Йўқ, мен тўйлар баъзи жамшидсиз ўтсин, деган фикрни илгари суршидан йорганман. Созанда-ю хонандларимиз тўй — тўй бўлибдими? "Қистир-қистир"лар йўқ жойларда ҳам тўйлар чиройли бамлар билан ўтапти. Бизда ҳам шундай қилишининг иложи бор-ку. Бунинг йўли осон. Марҳамат қилиб тўй эгаси санъаткорлар гуруҳини рози қилиб тақлиф этсин. Шундоқ ҳам унга балки икки, ... ўн баравар пулни "қистир-қистир"га сарфлайди. Даврада чиройли бошқарувчилар, сўзловчилар, рақс тушувчилар бўлсин, рақат пул қистирилмасин. Ана шунда тўйда ҳам маъно, мазмун бўлади. Бунинг учун эса тўйларни ўша маҳаллардаги комиссиялар, оқсоқоллар, фаоллар қўлга олса бар.

Тўйларимиз кимларнидир қуритадиган, кимларнидир бойитадиган тадбир эмас, балки чинакам тарбиявий маъно ҳақиб этсин.

Ҳадичахон КАРИМОВА, Охунбобоев тумани "Истиқбол йўли" газетаси муҳаррири

КИТОБ

ЎЗИГА ЎХШАЁТГАН ШОИР

Шеър — кўнгли тубидидаги инча тўйгулар, Боқира ҳислар мажмуаси деган аънанавий таъриф ўзини оқлаши мумкин. Аммо шу билан бирга яхши шеър инсон руҳияти тарбиясини, ўзликини англашнинг бир усули экан ҳам сўнгги вақтларда ойдинлашмоқда. Ҳақиқий шоирлар ижодини кўзатганда тобора ўз-ўзини кашф этаётган кишини учратиш мумкин. Тақлиддан ҳақиқий, ҳалол фаолиятга ўтиш, ўз-ўзига ўхшашига интилиш фикри — қалби уйғок инсонларга хос фазилат.

Истеъдодли шоир Файрат Махид ўзига ўхшашига, ўзини кашф этишига интилаётган ёшлардан. "Хуррият"нинг фаол муаллифларидан бири бўлган Файратбек Ўзбекистон Радиосининг "Ешлар" радиоканали гуруҳ раҳбари вазифасида ишлаши зўкко газетонларимизга сир эмас.

Шоирнинг "Гул санам" деб номланган биринчи шеърый тўплами у хали университетда ўқийётган кезларида (1997 йил) Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилганди. Яқинда унинг "Ҳеч кимга ўхшамайсан" деб номланган янги шеърый тўплами дунё юзини кўрди. Дилимда гулим ватан, Гулимда дилим ватан. Ҳеч кимга ўхшамайсан, Ҳеч кимга ўхшамайсан, — дейди шоир юрт мадҳини

ифода этган бир шеърда. Ухшатиш, қиёслас, муболага ва ташбеҳларнинг ўз ўрнида ишлатилиши шеърят илҳосмандларининг ишончини янада оширади: Баланд тоғлар битта ғамим кўтаромай, Кичик кўксим олдида ҳўб изза бўлар. Еки Энди нулуфарнинг шоҳчаларидан, Бир уй қураман, мусаффо манзил. Еки Кўрпа бўлар, ётамиз, олам, Қамалакнинг этти хил ранги. Файрат Махид ўзига ўхшашига интилаётган ижодкорлардан дедик, балки унинг қўлидаги мисралари сўзимизга далил бўлар: Бир кун дунёни янгилайман мен, Ениб-қўйиб кетар эски ақида. Мен ўзимни билман тамом,

Н.НОМЗОВА

ЭХТИРОС

АЙРИЛИК

("Ўткан кунлар" таъсирида)

Инсон кўздан ёшни раво қилмиш айрилиқ, Тоғдай қалбни ер билан яқсон қилмиш айрилиқ. Бахт қулса баҳор бўлиб, инсон кўнглин яшнатар, Кўз фаслидан сўзладиб, ҳазон қилмиш айрилиқ. Ўткан кунлар ҳаёлда тиклангай қайта тақрор, Ширин дамлар ишқиде армон қилмиш айрилиқ. Кетмагай кўз олдидадн меҳрибон ёр жамоли, Ер васфидан сўзладиб бийрон қилмиш айрилиқ. Бахт берар гоҳо тақдир, гоҳида қайғу-алам, Аро йўлда қолдириб, ҳайрон қилмиш айрилиқ. Отабекдай ҳеч кимса ёридан айрилмасин, Инсон умрин энг дардли дoston қилмиш айрилиқ.

ЁР-ЁР

Боғиндаги гулларим, Очилибди, ёр-ёр. Сунбул-сунбул сочларим, Сочилибди, ёр-ёр. Менинг тенгим самода, Ой бўлади, ёр-ёр. Мендай гулга етишган, Бой бўлади, ёр-ёр. Севган ёрим қўлимдан, Ушлаб юрсин ёр-ёр. Ширин сўз-ла кўнглимни, Хушлаб юрсин, ёр-ёр. Менинг севган ёриман, Қаро қошидир, ёр-ёр. Ҳеч қовогин очмайди, Бағри тошидир, ёр-ёр.

Ковоғидан қор ёгса, Ёз қилайин, ёр-ёр. Маҳдин битиб шеъримда Ноз қилайин, ёр-ёр.

Зиёда ЮСУПОВА, Эллиққалъа туманидаги 35-мактаб муаллимаси

ҲИКОЯ

ҲИС УМРИ

Мен қафимни бекитиш учун албатта қўлқоп кийиб юришим шарт эмас. Қўлқопсиз ҳам бу сирни шу пайтгача ҳеч бир инсон сезмади, пайкамади. Чунки менинг қафим ҳеч қачон тириклар қаршида бармоқларини ёйиб нафас олмаган. Мен кишлоқда сигир соғардим. Шунда қафимга урилиб сўнг сизиб челаққа оқайтган сут кўзининг фарқ бўлиб дувдўв ёш тўйишига ўхшарди. Ун қўл қафим чўнонам ачишар, ҳар гал энди сир-сигир соғмайман, деб аҳд қилардим, тонга бориб бу аҳдим эскириб, яна сайисхонага равона бўлаверардим. Кеч тушиши билан ҳужрамга қамалиб, қафимни томоша қилишни яхши кўраман. Уни айлантриб кўрганим сайин кўзим қамашар, аммо қанчалар тикимлай, унда бирор ҳис ё бошқа бирор ифода учратмас эдим. Бу жуда кўркинчи эди. Қанчондир унда зўр ифода, мазмун кашф этишимга ишонаман. Бу учун қафимга одамлар назарини туширмасликнинг чораларини топишим керак.

Бир гал тунда вақтни чақирдим: "Бомдодим, ҳоо-о, бомдодим!" Шунда сукунат юзимга сарчади. Ҳамма ёқда ўлик намоз, руҳсиз ибодат уюмлари тўп-тўп эди. Бу гапларим чин. Бу гапнинг ҳақиқий чинингунданин ифоридек ҳушбўй. Жисмимадам, руҳимда ҳам тўқлик ҳукмрон. Чунки соқиллик ҳамон чатнамоқда эди. Жимлик эса очликка жуда яқин. Менинг очлигим — кимлигим эди.

Салобати залворли ёрни ҳам чўктириб юборувчи соғинч ҳодисаси биринчи бор рўй бериши. Пастак уйлариимиз этагидан оқиб ўтадиган рўдининг бўтанасини кўмасидим шекилли, юрагим сувга чўкиб ўлаётган илҳосиз гўдақдек талвасага туша бошлади. Секин сувга тушдим. Шундагина юрак ўлимдан ҳалос бўлгандек хотиржам энтикди. Бу сувда қаър йўқ. Сувнинг туби жуда яқин. Кўзга қадалгудек масофада. Сузмиш учун кўллариимни ёрқанман, қафимни жуда эҳтиёт қилардим. Ҳатто кўзларимни ҳам бунчалар авайлаганимни эслаб билмайман. Барибир қирғоқдаги қалин қиёқларнинг эғилиб қолган қисмлари қафимга қадала бошлади. Шунда мен бармоқларимни букиб очикрўқ мушт ҳолатига келтирдим ва сув ўртаси томон сузиб кетдим. Толиққач, тин олишга шайланар эканман, ажайиб бир манзаротнинг гувоҳи бўлдим. Мен ҳали бу жонзотларнинг кўпчилигининг исминини билмайман, танимайман. Улар қафим атрофида гулжон ўйнар, гўё мен қўлимга нимадир бекитганман-у, улар шунини кўриш ишқиде талпинаётгандек эди. Қўлимни секин ўнғ тарафга оқизсам, улар гувиллаб ўнға кўчар, сўлга оқизсам, сўл томон ўтиб, яна қўлимни ҳаққасимон қилиб ўраб оларди. Энди қафимни ўша букилқик ҳолатича оқимга қарши ҳаракатлантира бошладим. Жонзотларнинг айримлари орқада қола бошлади. Қафимдаги сир ҳам яна тўла сирлигича қолди.

Менда боғлиқлик жуда кеч голиб келган. Мен севиб қолганимда тенгдошларимнинг болалари буй чўзиб қолганди. Эҳтимол, қафимдаги сирни англаб етиш фурсатини кўтандирман. Умрим қўллариимни бекитиш билан ўтди. Ниҳоят, қарий бошладим. Биз илк бор сув бўйида дучлашганмиз. Ушанда ҳам мен қўллариимни орқага қайтариб олгандим. Биринчи бор инсон зоти мендан воқиф бўлишини ҳис қилиб хавотирга тушардим. У дастлаб ҳарорати терини кўйдирадиган даражада қайноқ қўллари билан юзини силади. Унда титроқ йўқ эди (Бундай бўлиши мумкин эмас ахир, бу ҳолатда титроқнинг бўлмаслиги нотабий). Секин қўлимга қўл чўзди ва бармоқларимни ёйиб юзига олиб борди. Менин ҳам ўзининг юзларига қўл теккизишини истади, шекилли. Унинг қўли совиб, титрай бошлаганини сездим. Бу пайтда қафимдаги кўз киприқлари унинг юзларига санчила бошлаган эди. Қўлимни бўшатиб олдим, қафимдаги кўзга қаттиқ тиклидим. Кўзда чақиндек бир ҳис, сим-сиёх тундаги ёрқин ойдек бир нигоҳ эди тунда. Ва бу нигоҳнинг неча бир улшурларига содир бўлди. Ўша ифодани мен қайтиб ҳеч қачон ҳеч қаврда учратмадим. Афсуски, у ифоданинг умри оний даражада тез. Шу таҳлит яшовчан эди.

Сураёв ЗОҲИР

ООО "YUK-TRANS-SERVIS" ликвидируется. Претензии принимаются в течении двух месяцев по тел. 35-43-18, 152-56-18.

"VISION" даволаш компанияси даволаниши учун кучли зарарсиз табиий биологик актив қўшмаларни тақлиф этади. Тел. 94-44-01

Мухтарам мухлислар! Газетамизнинг навбатдаги сони 29 ноябрда чиқади.